



Махаллада кайси кампирни уйидан тополмасангиз тўппа-тўгри Отин ойиникига бораверинг! Отин ойининг ховлиси паст кўчанинг этагида. Уйи ҳам бошқаларникидан ажралиб туради. Иккита деразали пастак уй. Бошқаларнинг деразаси олдида гилос бўлса, Отин ойиникида икки туп тут бор. Бошқаларнинг томи тунука бўлса, Отин ойининг томи шифер. Хамманинг томида телевизор антеннаси бор. Отин ойиникида йўк. Аммо унинг уйи хамиша хамманикидан гавжум бўлади. Доимо очик турадиган пастак дарвозадан киришингиз билан энг аввал димогингизга гуп этиб райхон иси урилади. Кейин нимадир бахона йигилишган махалла хотинларининг гангир-гунгур сухбатини, болаларнинг кий-чувини эшитасиз. Тор йўлакдан ўтиб, кичиккина шинам ховлига кирасиз. Арик тортиб экилган райхонлар белга уради: ош райхон, сада райхон, ок райхон, кора райхон... Ховли этагида, эски бостирма олдида бир туп ўрик бор. Довучча тукканидан бошлаб туршак бўлгунча махалланинг кора-кура болалари шохдан-шоҳга тармашади. Отин ойи пишикчилик кунлари ўрикни кизганганидан эмас, болаларга бирор кор-хол бўлмасин деган хаёлда хавфсираб, жаг ургани-жаг урган: «Хой, уйингга бугдой тўлгур, такалар... Туш, йикилиб кетасан!» «Такалар» парво килмайди. Биладик, Отин ойининг тути ҳам, ўриги ҳам — уларники! Умуман, бу ховли — хамманики. Эрта кўкламда сумалак шу ерда бўлади. Исмалок сомса, ялпиз сомса Отин ойининг бостирмасидаги тандирда ёпилади. Кейин тут пишади. Кетидан ўрик. Махаллада бўладиган хотин оши борми, чарларми, бешйк тўйи борми, куда чакирикми, хаммасининг маслахати шу ерда пишади.

Тўгри, у отинликдан кўра кўпрок ходимлик килган. Аммо уни Ходим хола эмас, Отин ойи дейишади. Колаверса, хозир дастурхончиликни ташлаган. Уч йил бўлди. Кексайиб, кучи етмай колди. Бари бир ёзда ўрик тагидаги эски сўри, кишда чийлампа сувок килинган пастак шифтли, токчаларига баркашлар, чегаланган кадимий гирдим лаганлар терйб кўйилган уй хамиша гавжум бўлади.

Хозир ёз. Хосили думбул бўлган ўрик шохига одатдагидек кўшни болалар чугурчуклардек тизилишиб олишган. Шохларнинг шатир-шутури-ю, болаларнинг шивир-шивирини Отин ойи пайкамайди, пайкаса ҳам ўзини пайкамаганликка солади. У уйда огзи очилган эски сандик олдида чўккалаб ўтирибди. Уйни куядори хиди тутиб кетган. Ўртадаги хонтахта атрофида Иной гарангнинг хотини Бахри хола, заводда ишлайдиган «гирой» Ахмаднинг онаси Муаттар хола, «Келинпошша» ўтиришибди. Отин ойи сандикдан бирма-бир ўлимликларини олиб кўз-кўз кияпти.

— Мана бу — кафанлик, — дейди у бежирим килиб ўралган докани кўрсатиб.

Муаттар хола доканинг бир учини чимчилаб кўради.

— Яхши, мисколи дока экан.

— Искандарим атайлаб Масковдан обкеган,— Отин ойи керилиб каддини ростлайди.— Мана буни йиртишга берасила.— У тагин бир тугунни очади.— Аммо-лекин рўмоллардан сал кўнглим тўлмай турибди. Хаммаси бир хил бўлгани яхши. Мана, ўттизтаси кўк, йигирматаси мошранг. Майли, Искандаримга айтаман, обкеб беради.

— Кўйинг, овсин пошша, хали кўп юрасиз,— дейди Бахри хола мингиллаб. У мингилламасдан гапиролмайди. Димоги шунака. «П»-ни айтолмайди, «м» дейди. Сал гийбатчирок-ку, аммо яхши хотин, кўнгли бўш. Кўшнининг мушуги тугса хам, жони огригандир, деб кўзига ёш олади. У рўмолининг учини мижжасига босиб хўрсинади.— Караб туринг, хали кўша-кўша неваралар кўрасиз, тўйлар киласиз, овсин пошша!—«Пошша» сўзи кулокка «мошша» бўлиб эшитилади.

— Айтганингиз келсин,— Отин ойи маъюс жилмаяди. «Ўлимлигини» тартиб билан яна сандикка жойлайди.— Худо Искандаримгаям кўчкордек ўгиллар берса ажабмас. Кечаям келиб кетди болам боякиш.— Отин ойи сандикни кайтадан титкилайди.— Мана,— дейди иккита ялтирок коғзлик лўппи совунни олиб.— Полча деган жойдан мозор босди. Искандарим обкелди.

У совуннинг биттасини Бахри холага, биттасини Муаттар холага беради.

— Вой, мунчаям яхши!— Муаттар хола «польский» совунни хузур килиб хидлайди. Бахри хола хидлаётганида Муаттар холадан дашном эшитади.

— Ис билмайсиз-ку, хидлаб ниманинг фаркига бораколдингиз...

— Ўглимни дуо килинглар,— дейди Отин ойи астойдил ялиниб.— Ўзидан кўпайсин, денглар, яхши фарзандлар берсин, денглар.

Боядан бери индамай ўтирган Келинпошша жилмаяди.

— Менга-чи, Отин ойи, мозор босди «полча» совундан бермайсизми?

— Сиз совунни нима киласиз, Келинпошша, ўзингиз ойдайсиз. Ундан кўра, бориб чой дамлаб келинг.

Келинпошша — Отин ойининг девордармиён кўшниси. Ўртадан туйнук очиб кўйишган. Эри проводник. Махаллада ёш-яланглари уни «Келинойи» деб чакиришади. Отин ойи учун у — Келинпошша. Яхши жувон. Саккизта боласи бор. Энг кичкинаси энди йўлга кирди. Келинпошша шу кўклам тагин бошкоронги бўлди: довуччага... У «дик» этиб ўрнидан туради. Отин ойи кетидан тайинлаб қолади:

— Искандарим обкеган чойдан дамланг, болам. «Дутор чалиб» турганидан.

Келинпошша бир зумда чой дамлаб келади.

— Пулингизни тўяна киласиз, Отин ойи,— дейди кулиб.— Акийнинг тўйига!

Акийда Келинпошшанинг тўнгич кизи. Хамшира бўлиб ишлайди. Яқинда узатишмокчи.

Янгийўллик пахта бригадирига фотиха килишган.

— Тўяна сиздан айлансин!— Отин ойи хам кулумсирайди.— Акий кизимнинг тўйи бўлади-ю, мен караб турармидим. Искандаримга айтсам, гилам олиб беради.

Искандар Отин ойининг ёлғиз ўгли. Катта жойда ишлайди. Ок машинада юради. Марказда тўрт хонали уйи бор. Отин ойининг айтишича, ваннаси чиннидан эмиш. Искандар яхши бола. Домга олиб кетаман, деб уввало ялинсаям Отин ойи кўнмайди: ховлисига ўрганиб қолган. Отин ойининг биттаю битта орзуси бор. Шу — Искандарининг акалли биттагина боласини багрига босса, оёк-кўлини бемалол узатиб кетарди.

— Майли, тўй бўлсин,— дейди у негандир хўрсиниб.— Энди... тирик жон-да, ўргилайлар. Вакти казоим етса, болам бечора югургилаб қолмасин дейман-да, иши огир, лак-лак одамга хўжайин бўлиш осонми.

Искандар Вахобович телефон трубкасини жойига кўйди-ю, ичидан хўрсиник келди. Министр ўринбосари телефонда уни йигирма минут «ковурди». Юбилей объекти ўлда-жўлда бўлиб ётгани учун Искандар Вахобович бошчилик килаётган трест айбдор эмиш. Искандар Вахобович ётиги билан тушунтиромкчи эди, министр ўринбосари «Бахона изламанг», деб жеркиб берди.

У сиркиллаб кетаётган чаккаларини кафти орасига олиб, бир зум кўзларини ярим юмганча, стол киррасига тикилиб ўтирди. «Хар куни бир галва!»

Эшик гийкиллаб очилди. Искандар Вахобович остонада турган дўмбок секретарь кизга: «Ха, тагин нима гап!» дегандек зардали каради. Шахар телефонида сўрашяпти,— деди секретарь хуркиброк.

— Ким?

Секретарь туш тортилган киприкларини пирпиратди:

— Танишиман, дейди.

«Падарига лаънат танишларниям, нотанишларниям! Кайси бирининг иши тушса, дарров «таниш» бўлиб колади». У олчаранг телефон трубкасини шахт билан кўтарди.

— Ха!

Шу захотиёк, шангиллаган овоз кулогини тешиб юборай деди:

— Искандармисан? , «Канака саводсиз бу! Бакиради, сансирайди!»

— Ким ўзи бу?— деди Искандар Вахобович кони кайнаб. Жавоб ўрнига яна савол эшитди:

— Искандармисан?

— Ха? Узингиз кимсиз? Трубка яна шангиллади.

— Холматман! Кўшнинг...

Искандар Вахобович беихтиёр кўшниларини бир-бир эслаб кўрди. Йўк, Холмат деган кўшниси йўк. Жинни бўлганми бу одамлар?

— Киладиган ишингиз бўлмаса, трубкани жойига кўйинг! Шундай деб энди трубкани улоктирмокчи эди, бояги овоз яна шангиллади:

— Отин ойимнинг ахволи огир!

Искандар Вахобович эсанкираб колди. Ахир, Отин ойи... ўзининг онаси-ку. Бўлди-бўлди! Холмат ака уларнинг девордармиён кўшниси. Проводник!

— Нима бўлди?— деди бирдан юрагига гулгула тушиб.— Ойимга нима килди?

— Ахволи огир.

— Шошманг, хозир «скорий» чакираман.

— «Скорий»ни нима киласан?— Холмат ака тагин бакирди.— Ўзинг кел, тезрок!

Телефон узилиб «тут-тут-тут» деган киска гудок эшитила бошлади. Искандар Вахобовичнинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. Нахотки, онаси...

У югуриб кабулхонага чикди. Машинака чикиллатаётган секретарга буюрди.

— Дия! Тезрок машина чакиринг! Подъездга!

Ок «Волга» гавжум кўчалардан шиддат билан учиб борар, Искандар Вахобович орка ўриндикда ўтирганча юраги гурсиллаб бир саволни хаёлан кайтарарди: «Нахотки?!»

Машина чойхўрлар чакчаклашиб ўтирган гузар олдидан ўтаётганида у бир кадар таскин топгандек бўлди. «Хайрият, тинчлик экан». У биледи, худо кўрсатмасин, бирон кор-хол бўлса, чойхонада одам колмайди. Аммо паст кўчага бурилишлари биланок юраги музлаб кетди: ана, ўша шифер томли пастак уй, ана икки туп тут, ранги унникиб кетган тахта дарвоза... Дарвоза олдида турган кишилар негадир унга тик карамас, бири бошини хам килиб турар, бири юзини ўгирганга ўхшарди. Бирок хозир у бунга эътибор берадиган

ахволда эмасди.

Чайкалиб-чайкалиб гиштин зиналардан чикди-ю, салкин дахлиздан ўтиб, уйга отилиб кирди. Аёллар унга йўл бўшатишди. Искандар ялтирок куббалари занглаб кетган сим каравотда ётган онасини кўрди. Устига ок чойшаб ёпиб кўйилган. Онаси кандайдир осойишта алпозда ётар, худди ухлаётганга ўхшарди. Искандар хозир : «Ойи» деб чакирса, уйғониб кетадигандек.

У шундай килди. Каравот олдига, намотга тиз чўкканча илтижо килди:

— Ойи! Ойи-и!..

Йўк, онаси кўзини очмади. Шунда у чойшабни очиб ташлади-ю, онасининг кўлларини, йиллар чўкиртатка айлантирган жафокаш кўлларини кафтлари орасига олиб ўпди.

Кизик, онасининг кўли муздек эди!

— Ойи! Ойи-жо-он!..— деди хайкириб. Кейинги сўзлар бўғзидан йиги аралаш отилиб чикди.— Ойи-и...

У эсдан огиб колганга ўхшар, хадеб, «Нега?, «Нега?..» деб хайкирар, ерни муштлар, аммо бу хитоб онасига каратилганми, ўзигами ҳеч ким билмасди. Искандар чўккалаган кўйи тагин онасининг кўлларига ёпишди. Муздек, дагал кўлни юзига босиб, ўкраб юборди.

... Бу кўллар унинг бошини силаган. Кўнгли ўксиганида, бетоб бўлганида, илк бор мактабга борганида, мактабни олтин медаль билан битирганида... Институтга кирганда, битирганида... Нихоят, уйланганида... Бу кўллар унинг бошини кўп силаган. Ўзи-чи, ўзи онасининг бошини силаганми? Бирон марта, акалли бирон марта силаганми?! Юрагининг туб-тубидан отилиб чиккан бу савол аъзойи баданини ўртаб юборди.

— Ойи!— деди инграб.

Бу кўллар уни йўрғаклаган, унга кўкрак тутган, шамоллаганида баданига кўй ёғи сурган. Бу кўллар сигир согган, кир ювган, овкат пиширган, нон ёпган...

Нон!.. Онасининг назарида нондан табаррук нарса йўк эди. Кўни-кўшнилари гўдак боласи йўлга кирса, оёғи орасидан кулча юмалатиб, бошка болаларга обкочтирарди. Никох тўйдан аввал, икки ёш бахтли бўлсин, орзулари ушалсин, деб нон ушатарди. Бостирмадаги тандирда кунора нон ёпарди. Зогорами, арпа нонми, ишкилиб нон-да! Энг аввал пишган нонни ўша кунлар тандир ёнида ўралашиб юрган Искандарга юзига сув сеппиб узатган...

У ёш тўла кўзлари билан карават устига, шифт томонга беихтиёр тикилди. Ана, ана ўша нон! Чийлампа килиб сувалган шифт остида, девордаги миҳга илиглик турибди. Бир чети тишланган. Ана, ўша тиш излари. Бу — дадаси тишлаган нон. Кип-кизил...

У онасининг нонни арта-арта кўзларига суртиб, жойига илиб кўйганини кўрган, кўп кўрган. Нон иликлик турибди. Кип-кизил...

Бир маҳал кимдир охиста туртгандай бўлди. Елкаси оша бурилиб каради: Баҳри хола, бошига кўк рўмол тангиб, кўк кўйлак кийиб олибди. Йиглайвериб, шишиб кетибди.

— Бандалик-да, болам,— деди у мингирлаб.— Оллонинг иродаси бўлди, жон болам.

Югучи келди...— Шундай деди-ю, хикиллаб йиглаганча кўк рўмолини юзига босди.

Искандар чикиб кетиши кераклигини тушунди. Остонага борганида тўхтаб колди.

Онасига термилди. Онаси куббалари занглаб кетган сим каравотда ётар, гўё ухлаётгандек, хозир ўрнидан туриб, уни багрига босадигандек, икки кафти билан икки юзидан ушлаб, пешонасидан ўпадигандек эди. У доим шундай киларди. Шу уйда, шу каравотда уни багрига босиб ухлатган. Эрталаб пешонасини силаб уйготган.

...Эсида, ўшанда Искандар биринчи синфда ўкирди. Ўрик гуллаган кун эди. Мактабдан

иситмалаб келди. Онаси минг зўрламасин, бир пиёла чой ичди-ю, худди мана шу каравотга чўзилди. Уйда хотинлар кўп эди. Иситма аралаш Бахри холанинг димоги билан мингирлаб айтаётган гапларини эшитиб ётарди.

«Энди, овсин пошша, худодан хам, бандасиданам карзингиз колмади. Уруш битди. Келганлар келди. Ўлганларнинг жойи жаннатда бўлсин. Ёш умрингизни хазон қилманг. Болагаям ота керак, ўргилай. Сизга огиз солаётганлар таг-зоти кўрган одамлар...»
Искандар онасининг жавобини эшитмади. Ухлаб колдими, хўшидан кетдими, ўзи билмасди. Умуман, бу гапларнинг маъносига тушунмасди. Факат эртасига онаси куйиб-ёниб айтган сўзлар кулогига ўрнашиб колди. «Иккинчи унака гапларни гапирманглар! Худонинг кахри келди: боламга кизамик тошиб кетди. Дадаси омон бўлса келар, келмаса, пешонамдан кўрдим. Ёлгиз эмасман, шукр, олдимда болам бор...»

— Искандаржон, жон болам,— Бахри хола унинг елкасига қокди.— Чика колинг, кокиндик...

Искандар (у энди Искандар Вахобович эмас, Искандар, оддий Искандар бўлиб колганди, негаки, ўлим Хаммани баравар қилиб кўяди) вазмин кадамлар билан салкин дахлизга чикди. Пешайвон устундаги михларга онасининг бутун «бисоти» илиб кўйилибди: битта янги, иккита эски кўйлак, унниқиб кетган бахмал нимча, бир бурчи тешилган жун рўмол, хали тикилмаган бир кийимлик штапель, шол дастурхон...

Кавшандбзда онасининг кавуши турибди. Кизик, бу кавушни Искандар уч йил илгари олиб берган эди. Нега яп-янги турибди?

Холмат аканинг хотини — Келинойи йигидан кизарган кўзлари билан унга термилди.

Искандар кавушга тикилиб' турганини сезди шекилли, ту-шунтирди.

— Аяб юрардилар. Тўйга борсалар ёнбошларига — кўрпачанинг тагига бекитиб ўтирардилар. Искандарим оберган, деб мактанардилар.

Искандар хамон кавушдан кўз узмасди. Келинойининг саволини дафъатан яхши эшитмади.

— Нима қилайлик, маставами, шўрвами? Искандар ҳеч нимага тушунмади.

— Нима?— деди гарангсиб.

— Хали уйни одам босади. Исик овкат қилиш керак,— Келинойи куйманиб тушунтирди.— Ўлик чиккан уйда қозон қайнатиб бўлмайди. Бизникида қиламиз. Сўрамасам хам бўларди-ю, нима қилай, сиз ўзимнинг укамсиз.

Искандар Келинойининг гапларини англамас, ич-ичидан ўртанарди.

— Нима бўлди?.. Ойим соппа-соғ эдилар-ку?.. Келинойи ўпкаси тўлиб хўрсинди.

Туппа-тузук эдилар,— деди бурнини тортиб.— Эрталаб ўйнаб-қулиб ўтирдилар.

Ўлимликларини кўрсатдилар. Хазиллашдик. Мен айтдим: «Ўлимни ўйламанг, Акийнинг тўйини...— Келинойи хикиллаб колди.— Акийданинг тўйини ўзингиз бош бўлиб ўтказасиз, дедим. «Хўп» дедилар. Кейин бирдан: «Галати бўп кетяпман», дедилар. Каравотга ётқизган эдик...

Искандар кавшандозга ўтирганча, бошини чангаллади. Бу қандай гап?! Бу қандок адолатсизлик? Нимага? Туппа-тузук юрган онаси нимага тўсатдан?.. Келинойи хамон хикиллаган кўйи унинг бошига эгилди.

— Айтинг, нима қилайлик? Шўрвами? Ажаб, шу топда таом ўтадим томоқдан! Дарвоқе, онаси шўрва пиширишга уста эди. Тўйда, маърақада хотинлар унинг овқатини макташса, қувониб кетарди. Айникса, мохорани кўп қиларди. Бу таомни Искандар кўп еган. Онаси бева колганидан кейин жамоат уни Оксокол — Отин ойи қилди. У мактабда фаррош

бўлиб ишлар, лекин уйда ҳам тинчи йўк эди. «Келин тушди»га коворма чучвара пишириш борми, «тўккиз-тўккиз»га катлама килиш борми, никох тўйида «тортишмачок» бўладими, куёв-келиннинг бошидан сочки сочишми, «келин салом»да куда-кудагайларга салом беришми — хаммаси онасининг зиммасида эди. У тўйдан, албатта, тугунча олиб келар, тугунчада нон, монпаси, коворма чучвара, кейин... албатта, мохора бўларди. Баъзан ярим кечалари эшик такиллаб колар, Искандар онасининг дик этиб ўрнидан турганини пайкар, уйкусираб кузатар, зум ўтмай онаси кайтиб кирарди.. Гохо кимдир омонатини топширганини айтиб, Искандарни юпатиб чикиб кетар, шу кетганча эртасига пешинда кайтиб келар, ўзича Куръон ўқир: «Жойи жаннатда бўлсин», деб юзига фотиха тортар эди.

... У онаси ётган уйга оксокланиб кириб кетаётган кампирни кўрди-ю, гарангсиб ховлига тушди. Димогига райхон хиди урилди. Негадир онасининг иси келгандек бўлди. Келинойи ховлидаги райхонлардан шоша-пиша юлганча уйга кириб кетди. Искандарнинг хаёлига ярк этиб бир фикр урилди. «Гуляга айтиш керак. Хабари йўк-ку хали». У энди эшик томон йўналган эди, хотинига кўзи тушди. Гуля, кўлида ок сумкача, худди тўйга келгандек ясаниб олган, водолазка кийган, кулогида бриллиант зирак ялтираб турарди. «Каёкдак эшитибди бу?! «деган хаёлга борди-ю, унинг оркасидан сумка кўтариб келаётган шофери Шавкатни кўриб, хаммасини тушунди. «Шавкат хабар килган».

— Искандар ака!— Гуля унинг елкасига бошини кўйиб кучоклади.— Бечора ойим!— У бир зум шу алпозда турди-да, негадир тескари караб, кафти билан юзини чангаллади. Шоша-пиша ок сумкасидан рўмолча олиб кўзига босди.

«Сен айбдорсан!—деб ўйлади Искандар вужуди титраб.— Хаммасига сен — ...айбдорсан!» У хотинидан юзини ўгирди-да, бурчакда, ўрик остида турган сўрига бориб ўтирди. Шу ондаёк шафкатсиз бир савол аъзойи баданини сиркиратиб юборди. «Ўзингчи, ўзинг?!»

Унинг уйланиши кизик бўлган. Курилиш факультетида Искандар Вахобовнинг олдида тушадиган студент йўк эди. Аълочи, жамоатчи... Тўртинчи курсда ўқиётганида СНОда «Граждан курилишини махаллий шароитга мослаш» деган мавзуда доклад килди. У шу кадар дадил фикрларни ўртага ташладики, мухокама жанжалга айланиб кетди. Бировлар уни модернист деди, бошқалар донишмандга чикарди. Шунда кафедра мудири, Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Зариф Ходиевич уни химоя килди. «Ёш дўстимиз Искандар Вахобовичдан келгусида етук олим чикади», деди комил ишонч билан. Ростдан ҳам шундай бўлди. Зариф Ходиевич уни ўз тарбиясига олди. Искандар аспирантурада колди. Биринчи бор домланинг кизи — жинси шим кийиб юрадиган Гуляни кўрганида эътибор бермади. Тўгрироги, эътибор бермасликка харакат килди. Кимсан академикнинг кизи каёкда-ю, махалла отинининг ўгли каёкда! У шундай деб ўйлар, лекин домла билан олча соясида ўтириб сухбатлашаётганда ичкарида рояль чалиб, баъзан хиёл бўгик, аммо юракни ўртовчи овозда кўшик айтаётган Гуландом — Гуляга кўнгли талпина-ётганини сезиб турарди. Гуля консерваторияда ўқир, замонавий, ўктам киз эди. Хуллас, Гулянинг ўзи унга кўнглини ёрди.

Тўй ресторанда ўтди. Келиннинг дугоналари паст кўчадаги кулбага келишганида Искандарнинг етти номуси ерга букилди. Назарида, Отин ойи келинининг бошидан сочган сочкилар ҳам, пиширган мохораси ҳам ўта бачкана, ўта гариб кўринар эди. Буни карангки, Зариф Ходиевич мард одам экан! Худди Шу ховлида, худди шу сўрида ўтириб (Отин ойи катта охурдан ем еган кудаларидан уялиб, ресторанга бормаган, аммо уйда

чиройли дастўрхон тузаб кўйган эди) кизига насихат килди: «Искандарни ўзинг танладингми, энди билиб кўй, шу оиланинг жирини жирлайсан. Онанг бечора бир кўз билан ўгил ўстирибди. Менинг ҳам бир болам иккита бўлди. Отин ойининг ҳам». Отин ойининг бу гапдан боши осмонга етди. Тогдек суянчик топганига кувониб, кудасининг елкасига бош кўйиб йиглаб юборди.

Ярим йилча яхши туришди. Отин ойи келини уйгонмасидан аввал печкага кўмир калаб кўяр, атайлабдан тандирда нон ёпар, кечкурун эр-хотин ишдан кайтишига овкат тайёр турар эди... Бошка пайтларда у тўйгами, маъракагами чикиб кетар, алла-паллада бир лаган совиган ош, бир коса мохора, бир чеккаси ушатишган катлама олиб келиб, ўртага кўяр, тантана билан эълон килар эди: «Олинглар, болажонларим! Сизларниям тўйга етказсин! — Кейин бир кийимлик читми, сатинми келинига узатарди.— Обкўйинг, келинпошша, худо хохласа, ўгил тўйи килсангиз керак бўлади!»

Гуля кайнонасининг олдида бир нима деёлмас, кечаси Искандарни эговларди. «Онангиз тиланчиликни бас килсин! Менга биров тишлаган катламалар, биров садака килган латталар керакмас...»

Катта жанжал арзимаган нарсадан бошланди. Бир куни Искандар ишдан келса, хотини диванга мук тушиб йиглаб ётибди. Искандар унинг елкасидан охиста тутган эди, Гуля диван суянчигини муштлади, ёшдан туши эриб кетган кўзида газаб чакнади.

«Йўқолинг!— деди йиглаб— Тиланчи онангиз билан кўшмозор бўлинг!.. Гилямим! Гилямимни нима килди?! Икки минг сўмлик гилям эди! Ирим-сиримларинг бошингда колгурлар!»

Искандар эсанкираб колди. Девордаги ипак гилямга каради. Йўқ, хаммаси жойида. Кейин, ерга тўшалган гилямни синчиклаб текшира бошлади. Караса, Гулянинг гапи рост. Гилямнинг бир бурчи тешилиб қолибди. Тангадек тешик. Искандар гўё шубилан тешик бекилиб қоладигандек бармогини тикиб кўрди. Юраги сиқилиб уф тортди. Бошини кўтарса, тепасида онаси турибди. Отин Ойи: «Бу ёкка кел», дегандек уни имлади. Искандар хамон юзтубан ётган хотинига ўгринча караб кўйди-да, онасига эргашди. «Айб менда,— деди онаси шивирлаб.— Кеча тўйда бир уй хотин Гуландомни мактади. Келинимга кўз тегмасин деб исирик тутатгандим. Хокандоз ўлгурдан чўг тушганини билмай копман.— У бир зум ўйланиб турди-да, тушунтирди.,— Хотинингни кўнглини ол. Хафа бўлмасин. Жа бўлмаса пенсиямни йигиб-териш олиб берарман!..»

На иложки, бу билан жанжал тугамади. Гуля масалани кўндаланг кўйди. «Ё мени денг, ё тиланчи онангизни!.. Кетаман. Дадамникига кетаман! Ойим мени кўмирнинг сассигини хидласин деб тукканмас!»

Охири эр-хотин бошлашиб Зариф Ходиевичнинг олдида боришди. Маслахат сўрашган эди, кайнатаси Искандарни жеркиб берди. «Канака эркаксиз ўзи! Бир йил турмасдан онангизни ташлаб кочишни мўлжаллаб колдингизми? Хотин деганни каттик ушлаш керак-да, бундок!» Дадасининг гапи Гулянинг жон-жонидан ўтиб кетди. «Уйингизга сигмасам, ижарага квартира оламан», деб йиглади. Кизик, шунда яна Отин ойининг ўзи ёрдамга келди. «Болаларимга ёрдам беринг, жой олишсин, Гуландомим катта охурдан ем еган, менинг чалдиворимда турса уят бўлади», деб кудасига ялинди.

Шундок бўлди: Зариф Ходиевичнинг кўмагида шахёр марказидан уй олишди. Эр-хотин: «Юринг биз билан», деб Отин ойини хол-жонига кўйишмади. Аммо Отин ойи кўнмади. «Корада кўрсам корним тўк, ўзларингдан кўпайинглар. Мен чолимнинг чирогини ўчириб кетмайман», деди.

Искандар онасини каровсиз колдирмади. Лойсувок том устига шифер ёптирди. Уй

«замонавийрок» бўлди. Кейин... кейин газ киргизиб берди. Тўгри, табиий эмас, баллонли... Отин ойи уларнинг домига борса кўп туролмас, махалладаги бирон тўйними, маъраканими бахона килиб, тезгина тура коларди.

Аввалига эр-хотин бу ховлига бот-бот келиб туришди. Кейин Искандарнинг ишлари кўпайди. Искандар энди, кимсан Искандар Вахобовичга айланди, фан кандидати, трест бошқарувчиси... Ажаб, унинг иши кўпайгандан-кўпайиб борар, бироқ хаммасига улгурар эди. Факат бир нарсага — онасини кўришга вақт тополмасди.

«Мана энди хаммаси тамом бўлди! Хаммаси»... Искандар ховлида одамлар куйманиб юрганини пайқар, аммо ҳеч нимани кўрмас эди.

Чеккиси келди. Шимининг чўнтагига кўл сукса, сигарет йўк. Хали ишхонада стол устида қолиб кетаверибди. У маъносиз нигоҳини рўпарасидаги бостирмага тикди. Лойсувок том юпқаланиб қолибди— Катакдек деразанинг бир кузи синган, ойналари хиралашиб кетган...

Ажаб, охирги марта қачон келувди ховлига? Ха, байрам арафасида — еттинчи мартда келган эди. Тушлик танаффусдан фойдаланиб, бирров келди-ю, кетди. Одатдагидек шошиб турарди. Ишхонадаги аёлларни табриклаш керак. Кейин, Гуля: «Мехмон келади», деб кўйган... Онасини иккита чой, тўртта совун билан кутлади. Машина кутиб турганини бахона килиб, туфлисини ҳам ечмади. Онаси шошиб қолди. Ялпиз сомса қилган экан. Мажбур қилиб шундан биттасини едирди. Искандар машинага ўтирганида харсиллаб югуриб чиқди. Рўмоли қийшайиб елкасига тушиб кетган. Кўлида эски газетага ўроглик бир нима. «Ма,— деди машинанинг қия очик эшигидан узатиб.— Гуландомниям огзи тегсин». Искандар газета остидан иссиги сезилиб турган сомсаларни машинанинг орқа ойнаси тагига ташлаб, эшикни ёпди. Ўшанда онасини охирги марта кўраётганини билса эди! Бугун нечанчи ўзи? Ўн иккинчи июнь. Бундан чиқди — уч ойдан ошибди. Уч ой! Нахотки... нахотки, шунча вақт ичида бир соат вақт тополмади? Топарди, хохласа, албатта, топарди...

У аллақим ўзининг отини айтиб чакираётганини идрок этиб, бошини кўтарди. Караса, жинси шим қийган студентнамо йигит елкасида картон кути кўтариб турибди. Искандар ўни танимади. Талмовсираб қараган эди, йигит сўради.

— Каёкка кўяй! Искандар ҳеч нимага тушунмади. Юки огиррок бўлса керак, йигит кутини кўшқўллаб, чираниб елкасидан олди-да, сўри бурчагига — сояга кўйди. Искандарнинг кўзи кутига ёпиштирилган этикеткага тушди. «Коракум». Зум ўтмай бояги йигит тагин бир кути кўтариб келди. Униям сўри устига, бояги кўтининг ёнига кўйди.

— Майиз,— деди секин. Шундагина Искандар ўзига келди: «Пулини бериш керак».

— Шошманг,— деди чўнтагини қавлаб.— Неча пул бўлади? Йигит негадир ерга қаради.

— Отин ойим...— Шундай деди-ю, у ёғини гапирмади. Кўзига шу қадар маъноли тикилиб қарадики, Искандар беихтиёр пулни қайтиб қиссасига солди. Йигит охиста бурилди-да, индамай кетаверди. Кизик, нима демокчи бўлди у?! Отинойим менинг ҳам онам эди, сен пасткаш хамма нарсани пулга чакасанми, дедими? Ким ўзи бу йигит? Нимага Искандар уни танимади? Умуман, ўзидан бошқа — Искандар Вахобовичдан бошқа қимни танийди?!

Бир маҳал у қавшандозда Қелинойи имлаб чакираётганини кўрди. Югучи оксоқланиб зинадан тушиб келарди. Қелинойи ёшдан қизарган кўзларини Искандарга тикди.

— Отин ойимнинг зирақларини югучига бердик,— деди секин.— Ўзлари васият қилгандилар.

«Югучи», «васият...» Бу сўзлар Искандарга хунук, совук эшитилар, гўё бу гаплар хаммаси

ёлгондек, тушида бўлаётгандек эди. Хозир уйғониб кетади-ю, енгил тортади.

— Мана... Олиб кўйинг...

Искандар меровсираб Келинойининг кўлига каради. Икки пачка чой. «Индийский».

— Иккитасини югучига бердик., Рози бўлинг,— келинойи титраётган лабини тишлади.— Тўртта эди. Саккизинчи мартда олиб келган экансиз. Отин ойим... Отин ойим...—

Келинойи энтикиб колди.— Баркаш оркасига бекитиб кўйган эдилар. Биров келса: «Искандарим обкелган чойдан дамланг, «датор чалиб турган» чойдан», дердилар. Мен бошка чой дамлардим. Бунисини Отин ойим хар куни хидлаб-хидлаб баркаш оркасига беркитиб кўярдилар.

Искандар боши гувиллаб бораётганини, ўзини тутмаса хозир йикилиб тушишини хис этиб турарди. Келинойи «датор чалиб турган» хинд чойини пешайвон тахтасига кўйди.

Бурнини торта-торта йиглаганча кўйлагининг ёкасидан кўйнига кўл сукиб, эски газета когозига ўроглик, алланимани чикарди.

— Олиб кўйинг,— деди когозни узатиб.— Ўлимлигим деб, ёстикларининг орасига тикиб кўйган эдилар. Сиз ташлаб кетган экансиз. Кирк сўмини югучига бердик. Икки юз олтмиш сўм колди. Санаб олинг.— У газета катини очиб, бир сўмлик, уч сўмлик пулларни Искандарга узатди.

Качон, качон шунча пўл берганди у онасига?! Бу кандок жазо?! Бу кандок бедодлик?! Шу кунидан кўра онаси эмас, ўзи ўлгани яхши эмасмиди! Онаси бир сўмлаб йиккан пенсия пулини хам: «Искандарим берди», деган. Шу гапга ўзиям ишонган, бошкаларниям ишонтирган! Кани энди кўкрагини шундок йиртса-ю, юрагини сугуриб олиб ерга улоктирса! Ич-ичидан отилиб келган бўгик йигидан титраб, пулни ташлаб юборди. Бир сўмлик, уч сўмлик пуллар пирпираб кавшандозга тушди.

Искандар ховлига, ундан йўлакка отилди. Узун атлас лозим кийган кандайдир келинчак тор йўлакка шакароб килиб сув сепар, сачрамаслиги учун кўлидаги пакирни борган сайин пастрокка эгар эди. Очик дарвозадан забардаст йигит кириб келди. Искандар унинг юзини кўрмади. Йигит майкачан елкасига йўл-йўл дастурхон ташлаб олган, елкаси аралаш гарданига ортилган бир коп ун залвари остида икки букилиб келарди. Искандар бир томонга, сув сепаетган келинчак бир томонга четлаб йўл беришди. Йигит яланг оёқларини гурс-гурс босганча Искандарнинг олдидан ўтиб, ховлига кириб кетди.

Искандар дарвозадан чикди-ю, тўхтаб колди. Эшик олдида тумонат одам тўпланган, тор кўчага машина сигмай кетганди. Кизик, каёқдан келди шунча машина! «Ишхонадан бўлса керак», деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди. Аммо ўша ондаёқ булар «Жигули», «Москвич» машиналари эканини, ишхонадан, факат ўзининг машинаси бир чеккада турганини пайкади.

Нарирокда юк машинаси турибди. Машина устида икки ўспирин туриб олиб, йигма столларни, харракларни узатиб беряпти. Пастда эса тўрт йигит столларни пайдар-пай туширишиб, бир чеккага олиб кўйишяпти.

Искандар тут панасида турган тобутни кўриб, кўнгли бузилиб кетди. Тобутдан беринокда, хозиргина машинадан туширилган харракларда салла ўраган, яктак кийган чоллар ўтиришибди.

— Бандалик-да, укам!

Искандар ёнида турган махалла домкоми Шокир акага маъносиз караб кўйди.

— Хаммининг бошида бор,— домком хўрсинди.— Онамиз бошкача эдилар-да, жаннати хотин эдилар.

Кейин похол шляпа кийган «зами» Искандарнинг кўлини кисди. — Неча ёшда эдилар?—

деди секин.

«Бунинг нима ахамияти бор?!»— Искандар шуни ўйлади-ю, жим колди.-Дарвоқе, неча ёшда эди онаси! Ха, ўн саккизинчи йил эди. Ўзи қирк иккинчи йилда тугилган бўлса, демак, онаси йигирма тўрт ёшида бева қолган экан. Бундан чиқди қирк йил қутган. Қирк йил Искандарнинг отасини қутган. Нимага, нимага шу ҳаёл ҳеч қачон унинг эсига келмади?

Ўзини қучоқлаган тўнли кишини Искандар дафъатан таний олмади. Кейин билди: қайнотаси Зариф Ходиевич унинг пешонасидан охиста ўпди.

— Бардам бўлинг, ўғлим,— деди секин.

Кейин қимдир елкасига туртди. Қараса Холмат ака.

— Бу ёкка юр,— деди-ю, уни йўлакка бошлаб қирди. Девор тагидаги курсида ётган тўнни қийғизди, белига белбоғ боғлади. Қати бузилмаган дўппи узатди.— Қийиб ол. Дўппи қичкина экан, Искандар қафти билан босиб-босиб ташқарига йўналаркан, Холмат ака яна пичирлади.— Лайлактепага олиб борамизда-а! Ўзлари айтган эканлар.

Искандар юк машинаси факат стол-стулни олиб келишга мўлжалланмаганини тушунди. Лайлактепа олис, тўрт қақирим келади. Оёғи остида ўралашиб юрган ўн-ўн икки явдар болақайлар ҳам тўн қийиб, белини боғлаб олганига аввал хайрон қолди, кейин тушунгандай бўлди. Эҳтимол, Холмат аканинг болаларидир, эҳтимол, қўшни болалардир...

... Олд томонига паранжи, орқасига мурсак ёпилган тобутни олиб чиқишганида ҳаммаёқ дилни ўртовчи фарёдга тўлиб кетди. Келинойи, Баҳри хола, Муаттар хола, аллақандай қизлар, келинлар ҳуввос солиб тобут кетидан югуришди.

Йўқ, Искандар ўйлагандек тобутни машинага ортишмади. Елкада қўтарганча йўлга тушишди. Искандар тобут бандидан ушлаб олти-етти қадам юрган эди, уни сиқиб чиқаришди. У тобут бандига ҳадеб қўл чўзар, аммо навбат тегмас эди. Таниш-нотаниш одамлар, гоҳ олдинга, гоҳ орқага ўтиб таллашиб-тортишиб тобутга ёпишар, ҳар қим иложи борича қўпроқ қўтаришга, елкасини узокроқ тутиб беришга ҳаракат қилар эди.

Бекатга чиқишганда троллейбус келиб қолди. Тўхташи билан дув этиб ўттизтача эркак тушди-ю, тобутга ёпишди.

— Қим?— деб сўради зиёлинамо кўзойнакли йигит Искандарнинг ёнида кўз ёшини тўнининг енгига артиб-артиб кетаётган Холмат акадан.

— Отин ойим

— Ие!— кўзойнакли йигит, бир бағри ўпирилиб кетгандай ранги ўчиб, тобутга қайтадан тирмашди.

Қўчада ҳаракат бутунлай тўхтаб қолди. Бурилишга етганларида Искандар беихтиёр орқасига қаради. Одамлар оқими икки бекат ораси чўзилиб, бутун қўчани тўлдириб келар, тобут уларнинг елкасида осойишта тебраниб борар, оқимга эса янғидан-янғи одамлар келиб қўшилар... қўшилар, қўшилар эди...